

УДК 37.56.2

*Abduzirova D.Yu. Head of the department of selection of colored karakul sheep of the Research Institute of karakul and desert ecology.  
Akhrorova G., postgraduate student of the 1st stage of the basic (PhD)  
Scientific Research Institute of Karakul and Desert Ecology.*

## **VARIOUS COLORS OF THE KARAKALPAK SUR OF THE KARAKOL SHEEP**

*Annotation. This article provides information on the variety of Karakalpak Sursk sheep, created by Istiklol Karakul selection LLC.*

**Key words: breeder type, variety, qualitative composition of the herd.**

*Абдузоирова Д.Ю. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтини рангли қорақўл қўйларини селекцияси бўлими мудири.*

*Ахророва Г., Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтини биринчи босқич таянч (PhD) докторанти.*

## **ҚОРАҚАЛПОҚ СУР ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИНИНГ АВЗАЛ РАНГБРАНГЛИКЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада “Истиклол қорақўл наслчилик” МЧЖ да яратилган қорақалпоқ сур қўйларининг “Нурота” завод типини рангбарангликлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** завод типини, рангбаранглик, сурувнинг сифат таркиби.

*Абдузирова Д.Ю. Заведующий отделом селекции цветных каракульских овец НИИ каракуля и экологии пустынь.*

*Ахророва Г., аспирант 1 ступени базового (PhD) Научно-исследовательского института каракуля и экологии пустынь.*

## **РАЗЛИЧНЫЕ ЦВЕТА КАРАКАЛПАКСКОЙ СУР КАРАКОЛЬСКОЙ ОВЕЦЫ**

*Аннотация:* В данной статье представлена информация о разновидности каракалпакских сурских овец, созданной ООО «Истиклол Каракуль селекция».

*Ключевые слова:* заводской тип, разнообразие, качественный состав стада.

**Кириш.** Ҳозирги кунда Қоракўлчилик соҳаси мамлакатимиз чорвачилигининг сермахсул ва сердаромад тармоқларидан бири ҳисобланиб, қоракўл қўй зоти эса, маҳаллий халқ селекционерлари маҳсули бўлиб, Бухоро- Қашқадарё-Зарафшон воҳаси ва Қизилқум яйловлари шароитида маҳаллий аҳоли томонидан яратилган.

Республика аҳолиси ўртасида қоракўлчиликка эътибор азалдан кучли, айниқса, Республика мустақилликка эришгандан кейин унинг аҳамияти янада ошди.

Соҳага мутасадди Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари ҳам, зот таркибидаги ноёб, камёб, антиқа сур рангли ва рангбарангликдаги қўйларни республиканинг бошқа минтақаларида жорий этиш, унинг замонавий селекцион усул ва услубларини яратиш бўйича унинг янги рангбарангликларни генофонд таркибидан ажратиб, уларнинг популяцион ядросини шакллантириш бўйича амалий изланишлар бунга яққол мисолдир.

### **Мавзунинг ўрганилганлик даражаси**

Бугунги кунда қоракўл қўзиларини баҳолашда мавжуд белгиларнинг деярли барчаси ёки аксарияти миқдорий белгилар бўлиб, уларнинг шаклланишига бир эмас, балким бир неча генлар таъсир кўрсатади. Уларнинг таъсирида белгилар юқори даражадаги ўзгарувчанликга учраб, маълум бир ёки кўп белгиларнинг бир хиллигига ва уларнинг турфунлигига эришиш қийин бўлиб қолади.

Бу борада қорақўл қўйларида кўп йиллар давомида олиб борилган тадқиқот ишларида (Н.С. Гигенейшвили, 1976; Б.Н. Васин, 1969; М.А. Ширинский, 1974; И.Н. Дьячков, 1980; К.Е. Елемесов, 1982; С.Ю. Юсупов, 2005, 2010; У.Т. Фазилов ва бошқалар, 2013; А. Газиёв, 2007; А. Газиёв ва бошқалар, 2015, 2016) уларнинг биологик ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари, барра-тери хусусиятлари бўйича фарқланиши аниқланган.

Кўпчилик тадқиқотлар, гарчанд ушбу тадқиқотлар қорақўл қўйлари урчитиладиган турли экологик ҳудудларда олиб борилган бўлса ҳам, кўрсатишича қайд этилган белгиларнинг авлодларда намоён бўлиши бўйича юқори натижалар кузатилганки, бу уларга биринчи навбатда қўйлар генотипининг кучли таъсир кўрсатишидан далолат беради (С.Ю. Юсупов, 2009; С.Ю. Юсупов, У.Т. Фазилов, А. Газиёв, 2009; А. Газиёв, 2009, 2010; С.Ю. Юсупов, С. Саттаров, Ш. Юсупов, 2010; С.Ю. Юсупов, С. Базаров, А. Олимов, 2010; С.Ю. Юсупов, С. Саттаров, 2010; Р. Турганбаев, 2012; М.Д. Бутаев, 2015 ва бошқалар).

С.Ю. Юсупов, А. Газиёв, У.Т. Фазилов, Б. Маматов, А. Болтаевлар (2016) турли хўжаликларда сур рангли кўчқорларни авлод сифати бўйича баҳолаш асосида гул типи, синфи, гулларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича юқори натижаларни кузатганлар. Бунда элита синфли авлодлар салмоғи 26,6-41,5 фоизни, I-синфли авлодлар салмоғи 50,7-59,8 фоизни ташкил этган, 67,0 фоизгача ярим доира қаламгул типли, 71,8 фоизгача юпқа терили, 90,4 фоизгача узун гулли, 88,0 фоизгача аниқ, паралел-концентрик ва паралел-тўғри гул расми билан характерланувчи авлодлар олиш мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқот манбалари ва услублари.** Мазкур тадқиқотлар Навоий вилояти, Нурота тумани “Истиклол қорақўл наслчилиги” МЧЖ да мавжуд қорақалпоқ сур қорақўл қўйларида олиб борилди.

Қорақалпоқ сур қорақўл қўйларини танлаш, жуфтлашнинг селекцион усулларини қўллаш асосида мақсадга мувофиқ типларни шакллантириш

ишларини тўғри ва самарали олиб борилиши натижасида қорақалпоқ сур қорақўл қўйларининг “Нурота” завод типни тасдиқланди. Ушбу завод типини яратиш асносида кам учрайдиган чақир ва шабдар рангбарангликларини кўпайтириш мақсад қилинган. Ушбу рангбарангликлар жуда қимматли ҳисобланади. Сабаби, ҳозирги замон бозори талабларига ҳар жиҳатдан тўғри келади.

№	Бош чўпон И.Ф.	Ҳисоб га олинган кўзилар сони	Шамч ирок, %	Пўлати, %			Ўрикгул, %		Қамар, %		Наслга қолдирилган кўчқор кўзилар	
				9,9	13	7,5	11	6,4	16	9,3	15	8,7
1	Амонуллаев Зоҳид	172	17	9,9	13	7,5	11	6,4	16	9,3	15	8,7
2	Хўжакулов Тоир	295	22	2,2	7	2,4	11	3,7	27	9,1	5	1,3
3	Хўжакулов Ҳусен	188	19	10, 1	16	8,5	15	7,9	28	14,9	19	10,1
4	Хўжакулов Илём	80	3	3,7	4	5,0	-	-	5	6,2	1	1,2
5	Жами	735	61		40		37		76		40	

1- Жадвал. “Истиқлол қорақўл наслчилиги” масъулияти чекланган жамиятидаги Қорақалпоқ сур қўйларидан 2021 йилда олинган рангбарангликлар натижаси.

№	Бош чўпон И.Ф.	Беркитилган кўй сони			Ранги ва рангбаранглиги	Синфи			Гул типлари			
		жами	Шундан			Элита	I	II	Қаламигул	Қовурғаси мон	Ясси гулли	Ўсик гулли
			Қағта ёшли	1,5 ёшли								
1	Амонуллаев Зоҳид	389	239	150	Сур	20,5	56,5	22,8	53,9	20,6	17,7	7,9
2	Хўжақулов Тоир	599	439	160	Сур	16,2	66,2	17,5	51,9	14,8	16,5	16,7
3	Хўжақулов Хусен	778	658	120	Сур	15,0	57,7	27,3	57,7	14,5	14,1	13,7
4	Хўжақулов Илёс	488	373	115	Сур	22,9	57,6	19,5	42,4	19,8	22,5	15,3
5	Жами	20254	1709	545		18,6	59,5	21,7	51,4	17,4	17,7	13,4

2- жадвал. Қоракўл кўйлар сурувини сифат таркиби қайдномаси. Нурота туман “Истиқлол” наслчилиқ МЧЖ 2021 йил.



Хўжаликда қорақалпоқ сур қоракўл қўйлари бўлган жами тўртта отар мавжуд бўлиб, уларни тахлил қилишда отарларни биринчи, иккинчи каби рақамланди. 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2021 йилда тўғилган жами қўзилар сони 735 бош бўлиб, биринчи отарда 172 бош, қолган отарларда тегишлича 295; 188 ва 80 бошдан қўзи олинган. Булар орасида сур ва қора рангли қўзилар олинган бўлиб, сур рангли қўзилар рангбаранглиги бўйича қўйидагича натижага эришилган. Яъни, шамчирок гул 61 бош, ўрикгул 37 бош, пўлати 40 бош ва қамар 76 бош. Наслга қолдирилган қўчқор қўзилар сони 40 бошни ташкил этган.

2-жадвалда “Истиклол қоракўл наслчилиги” МЧЖ 2021 йил ҳолати бўйича сурувнинг сифат таркиби келтирилган. Бунда маълумотлар тўртта отар бўйича урганилиб, жами мавжуд қўйлар сони 2254 бошни ташкил этган. Шундан, катта ёшли қўйлар сони 1709 бош, 1,5 ёшгача бўлганлари 545 бошни ташкил этади. Шундан, синслар бўйича ҳисоблаганда, элита синф 18,6 % ни, I синф 59,5 %ни ва II синфга кирувчи қўйлар эса 21,7 % ни ташкил қилган. Гул типлари бўйича эса натижалар қўйидагича: қаламигул- 51,4; қовуқғасимон- 17,4 %; ясси – 17,7 %; ўсик гулли -13,4 % ни ташкил этган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Газиёв А. Селекцион-генетические аспекты эффективного использования потенциала каракульских овец в Узбекистане. //Ж. «Животноводство, кормопроизводство и ветеринария». Алматы, ТОО «Бастау», 2007, с. 28-30.

2. Фазылов У.Т. Каракульская порода овец Васин Б. Н. Эволюция шерстного покрова. Самарканд 2013.

3. Р. Турганбаев. Каракалпакский породный тип каракульских овец окраски сур. Тошкент, «иктисод-молия» 2012.

4. А.Х.Хатамов. Адир шароитида қорақалпоқ сур қоракўл қўйларининг этологияси, биологияси ва маҳсулдорлиги. Тошкент 2021 йил.